
“ЗИЛОЛА” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ БЕРИЛГАН МАҚОЛАЛАР ЮЗАСИДАН ДАНҒАРА ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ТОМОНИДАН ҚОНУН ДОИРАСИДА АТРОФЛИЧА ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ.

📰 Телеграм мессенджер “MA-News Agency” канали орқали “Ҳоким ва прокурор тандеми” ҳамда бошқа блогерлар томонидан интернет тармоқлари орқали **“Зилола” фермер хўжалиги** тўғрисидаги берилган мақолалар юзасидан Данғара тумани ҳокимлиги мутахассислари томонидан қонун доирасида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Данғара ММТП худудидаги **“Зилола”** чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигига туман хокимининг 2019 йил 13-апрелдаги 1595-сонли қарори билан жами **7 та** контурдаги **69 балл** бонитетли **32,7 гектар** ер майдони ажратиб берилган бўлиб, ўртача балл бонитети **69 балл**ни ташкил этади.

Данғара туман прокуратурасининг 2021 йил 10 февралдаги № 11/5-21 сонли протестига асосан, туман хокимининг 2021 йил 28-февралдаги №265-сонли қарори билан туман хокимининг 2019 йил 13 апрелдаги 1595-сонли **“Зилола” фермер хўжалигига 34,7 гектар ер майдонини чорвачилик йўналишида фойдаланиш учун ажратиб бериш тўғрисида**” ги қарори қонун талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли бекор қилинган.

Ушбу ер майдонлари ижтимоий тармоқларда айтиб ўтилганидек, паст рентабелли эмас балки, юқори рентабелли **69 балл** бонитетли ерлар ҳисобланиб, собиқ **“Азиз Лазиз файзли кўрки”** пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, давлатга бошоқли дон, пахта сотиш режаларини мунтазам бажариб келган.

Шунингдек, ўрганишлар давомида **“Зилола”** фермер хўжалиги томонидан контурлар яхлитлиги бузилиб, кўп йиллик тут кўчатлари сабабсиз олиб ташланганлиги, терак кўчатлари экиб олинганлиги аниқланган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида»**ги Низом талабларига кўра, туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган, **“Данғара”** рўзномасида танлов эълон қилинган **“Сирдарё”, Мулкобод ММТП** худудларида жойлашган лойиҳаларда, шунингдек тумандаги 2021 йилда ўзлаштирилиши режалаштирилган **2 минг 628 гектар** ер майдонларида тўғридан-тўғри **ўзлаштириш шарти** билан танловсиз **чорвачилик** йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман хокимлигига ариза ва тегишли хужжатлар билан мурожаат қилишингиз мумкин.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-04-19 15:30:25